


Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Саноат тармоқлари учун хом ашё сифатида қўллаш учун алунит маъданларини комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли Саноат тармоқлари учун хом ашё сифатида қўллаш учун алунит маъданларини комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мамлакатимиздаги мавжуд ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган Гушсай, Оқтош, Шовозсой, Қайроғоч, Оқсоқота ва бошқа алунит конларини ва намоёнларини геологик тадқиқотлар асосида чуқур таҳлил қилинади, намуналар олиниб моддий таркиби ўрганилади ҳамда истиқболли майдонлар аниқланади; - технологик намуналарни замонавий флотация дастгоҳларида бойитишнинг оптимал варианты ишлаб чиқилади; - олинган бирламчи алунит бойитмасидан алюминий-калийли аччиқ тош (квасцы), алюминий оксиди, алюминий сульфати, пигментлар, кварц гранулалари каби маҳсулотларни ажратиш олиш учун оптимал куйдириш ва эритиш кинетикаси ишлаб чиқилади; - алунит намуналаридан чиқиндисиз, иқтисодий самарадор маҳсулотлар олишнинг комплекс қайта ишлаш технологик схемаси ишлаб чиқилади; - ишлаб чиқилган оптимал технология асосида улуши 96 фоиздан юқори бўлган алюминий-калийли аччиқ тош – косметология ва тиббиётда (ГОСТ 4238, ГОСТ 4329, ТУ 2621-011), 90 фоиздан юқори бўлган алюминий оксиди ва алюминий сульфати – алюмин металл олиш учун хомашё, 80 фоиздан юқори кремний оксиди – қурилиш материали ва бошқа маҳсулот намуналари олинади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижаларида олинadиган маҳсулот намуналари тиббиёт, қурилиш материаллари, лок-бўёқ ва кимё саноати ишлаб чиқариш корхоналарида тажриба синовларидан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>0,7 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,7 млрд сўм



** Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Нодир (<i>Re, Mo, Se, W</i> ва б.) ва камёб ер металл (TR) конларини аниқлашнинг башорат-излаш усулини ишлаб чиқиш ва истиқболли участкаларни ажратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Нодир (<i>Re, Mo, Se, W</i> ва б.) ва камёб ер металл (TR) конларини аниқлашнинг башорат-излаш усулини ишлаб чиқиш ва истиқболли участкаларни ажратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - йирик нодир ер металл конларини аниқлаш учун инвестиция блоклари ва 40 дан ортиқ истиқболли майдонлар ажратилади ва ҳар бир майдон бўйича бурғилаш ишлари ҳажми ва бурғулаш қудуқлари чуқурлиги ҳисоблаб чиқилади; - бурғилаш ишларининг минимал ҳажми ҳисобига конларни тезкор аниқлаш услубияти ишлаб чиқилади ва геологик-қидирув ишлари вақтини 50-80 фоизга ва уларга сарфланадиган харажатларни 40-70 фоизга тежашга эришилади; - бурғулаш қудуқларининг жойлари аниқланади ва ҳар бир аниқланган майдонда маъданларнинг чуқурлиги юқори ишончликда башорат қилинади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари янги нодир ер металл конларини аниқлашга йўналтирилади ва геология-қидирув экспедицияларига тақдим этилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>0,95 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,95 млрд сўм


*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,9 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Республика ҳудудида геологик тадқиқотлар асосида талькнинг истиқболли майдонларини аниқлаш ҳамда юқори сифатли тальк маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: Республика ҳудудида геологик тадқиқотлар асосида талькнинг истиқболли майдонларини аниқлаш ҳамда юқори сифатли тальк маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - республика ҳудудидаги тальк майдонларида геологик дала-тадқиқотлари олиб борилиб, истиқболли майдонлар аниқланади; - истиқболли тальк майдонларидан технологик намуналар олиниб, намуналарнинг моддий таркиби юқори аниқликдаги, сўнги турдаги замонавий таҳлилий ускуналарда аниқланади; - тальк майдонлари намуналарида сўнги турдаги замонавий флотомашина, гравитацион, электромагнит сепараторлар ва анализаторлардан фойдаланиб чуқур комплекс технологик тадқиқотлар олиб борилади ва оптимал технологик схема ишлаб чиқилади; - яратилган технологик схема асосида оқлиги 80 фоиздан юқори, магний оксиди 28 фоиздан юқори ва талькнинг улуши 90 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткичларга эга кабел ишлаб чиқаришда кўшимча (ГОСТ 13145-67), кимё саноати учун тальк (ГОСТ 21235-75), резина ва пластмасса (ГОСТ 19729-74), лок-бўёқлари ва шпатлёвка (ГОСТ 19284-79), керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш (ГОСТ 21234-75) саноатлари талабларини қаноатлантирадиган тальк маҳсулотининг тажриба партияси ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Ишлаб чиқиладиган тальк маҳсулотининг тажриба партияси лок-бўёқ, керамика ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида синовлардан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>0,65 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,65 млрд сўм


**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,3 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Қийин бойитилувчи углеродли маъданлар таркибидан олтинни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Қийин бойитилувчи углеродли маъданлар таркибидан олтинни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - углерод таркибли “қайсар” маъданларнинг кимёвий ва минералогик таркиби ҳамда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо компонентларнинг учраш шакли юқори аниқликдаги ускуналар ёрдамида аниқланади, олтиннинг углерод моддаси билан боғланиш характери ўрганилади; - маъданлар таркибидаги углеродли моддани замонавий гравитацион ва флотацион ускуналарни қўллаб, алоҳида маҳсулот сифатида ажратиб олишни кўзда тутувчи технологик схема ишлаб чиқилади; - дастлабки маъдан ва бойитиш маҳсулотларининг сорбцион фаоллиги аниқланади, олинган бойитмаларни ТУ-Уз-65-001-94-003 ва ТУ-Уз-65-001-94-006 техник шартлар талаблари билан таққосланади; - бойитмаларни қайнар қатлам печида оксидловчи куйдириш (500-700°C), юқори босимда автоклавда эритиш (30-50 атм.), куйдириш қолдиғи ва бойитмаларни сорбцион цианидлаш усулларини қўллаб, қайта ишлашнинг мақбул режимлари ва параметрлари аниқланади; - углерод таркибли қайсар маъданларни қайта ишлашнинг самарали схемаси ва мақбул режимлари ишлаб чиқилади, олтин ва кумушнинг ажратиб олиниши бўйича технологик кўрсаткичлар аниқланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Навоий кон-металлурги комбинатининг гидрометаллургия корхоналарида синовлардан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>1,2 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			1,2 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Маъданли конларнинг чуқур горизонтларида жойлашган олтин сақловчи маъданларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Маъданли конларнинг чуқур горизонтларида жойлашган олтин сақловчи маъданларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - амалдаги чуқур горизонтлар маъданларининг таркибий қисмини ҳамда минералогик тавсифини аниқлаш бўйича лаборатория таҳлиллари ҳамда минералогик тадқиқотлар ўтказилади; - чуқур горизонтлардаги маъданнинг қийин бойитилиши сабаблари ва уларни бартараф этиш усуллари аниқланади; - бойитиш маҳсулотларининг моддий ва минералогик таркиби ўрганилади ҳамда гравитацион ва флотацион ускуналарни қўллаб, технологик тадқиқотлар ўтказилади; - олинган бойитмаларни қайнар қатлам печида оксидловчи куйдириш (500-700°C), автоклавда эритиш (30-50 атм.) усуллари қўллаб қайта ишлаш, куйдириш ва автоклав қолдигининг моддий ва минералогик таркибини ўрганиш, сорбцион цианидлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади; - олтин сақловчи мураккаб таркибли маъданларини қайта ишлашнинг самарали технологияси ишлаб чиқилади ҳамда олтин ва кумушнинг ажратиб олиниши бўйича технологик кўрсаткичлари аниқланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Навоий кон-металлурги комбинатининг гидрометаллургия корхоналарида синовлардан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>1,3 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			1,3 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*